В горах Нуратау эта птица редка и малочисленна. В предгорьях и в пустыне филин встречается чаще, что связано с обилием сусликов, песчанок и ежей, которые являются основным кормом филина.

**ЯПАЛОҚҚУШСИМОНЛАР туркуми - Отряд СОВЫ - STRIGIFORMES**
**ЯПАЛОҚҚУШЛАР оиласи - Семейство СОВИНЫЕ - STRIGIDAE**



**Bubo bubo - Укки - Филин - Eagle-Owl**

# Athene noctua - Бойўғли - Домовый сыч - Little Owl



## БОЙЎҒЛИ - ATHENE NOCTUA

Бойўғли соғдан йирикроқ қуш. Кўзи тунда ҳам худди кундуздагидек яхши кўради. Баландликка жойлашиб олган бойўғли кўпинча бир оз ўтириб олади ва худди салом бераётгандек энгашган ҳолда ёқимсиз овоз чиқаради.

Ўзбекистонда даштларда, тоғларда, тоғ этаклари ва дарёлар воҳасининг барча жойларда тарқалган. Нурота тоғ тизмасида д.с.б. 1200 м гача учрайди. Тик қияликларга, тепаликларга, харобаларга, қишлоқ иморатлари бўғотларига жойлашиб олади. Ўтроқ ҳаёт кечиради.

Бойўғли - жуда фаол ва серҳаракат йиртқич қуш. Асосан кемирувчилар билан озиқланади ва шу билан қишлоқ хўжалигига фойда келтиради.

## ДОМОВЫЙ СЫЧ - ATHENE NOCTUA

Домовый сыч - небольшая сова, размером немного крупнее сплюшки. Ведет ночной образ жизни, однако увидеть его можно не только в сумерках, но и днем. Сидя на возвышенном месте, сыч нередко приседает, как бы кланяется. Эту птицу легко можно узнать по характерному резкому крику.

В Узбекистане распространен повсеместно в пустынях, горах, предгорьях и в долинах рек. На хребте Нуратау встречается до высоты 1200 м н.у.м. Поселяется в обрывах, останцовых возвышенностях, в развалинах, под крышами сельских построек. Ведет оседлую жизнь.

Домовый сыч - очень активный и энергичный хищник. Питается в основном грызунами, чем приносит значительную пользу.

## LITTLE OWL - ATHENE NOCTUA

The Little Owl is a small owl, a little larger than Scops-Owl. It is a nocturnal sedentary bird. Sitting on the elevated, a little owl squats quite often, as bows. This bird it is easily possible to know on a characteristic sharp call. In Uzbekistan it widespread everywhere in deserts, mountains, foothills and in the valleys of rivers. On the Nuratau mountain range it meets up to 1200 m a.s.l. It nests in precipices, elevations, in ruins, under the roofs of rural buildings. The Little Owl is a very active predator. Feeds mainly on rodents.

## КЎКҚАРҒАСИМОНЛАР туркуми - Отряд РАКШЕОБРАЗНЫЕ - CORACIIFORMES
## КЎКҚАРҒАЛАР оиласи - Семейство СИЗОВОРОНКОВЫЕ - CORACIIDAE



Coracias garrulus - Кўк қарға - Сизоворонка - Eurasian Roller



## КЎК ҚАРҒА - CORACIAS GARRULUS

Кўк қарға - зағчадан бир оз кичикроқ қуш. Яшил, кўк ва жигар ранг туслари очиқ ранги билан фарқ қилади. Евросиёда кенг тарқалган. Ўзбекистонда текисликларда, тоғ этакларида ва воҳаларда ҳамма жойда учрайди. Инларга, ёриқларга, харобаларга, дарахтлар ковагига уя қуради. Бевосита уяси асосига 4-6 та оқ тухум қўяди. Тухумдан патсиз, ожиз жўжалари чиқиб, улар жуда секин ривожланади.

Кўк қарға ҳашаротлар, майда калтакесаклар, майда кемирувчилар, бақалар билан озиқланади. Учиб ўтувчи қуш. Қишлаш учун жанубий мамлакатларга учиб кетади.

## СИЗОВОРОНКА - CORACIAS GARRULUS

Сизоворонка - небольшая птица, размером немного меньше галки. Отличается яркой окраской голубых, синих и коричневых тонов. Широко распространена в Евразии, кроме северных районов. В Узбекистане обитает повсеместно на равнинах и в предгорьях. Гнездится в норках на глинистых обрывах, в трещинах, развалинах и дуплах деревьев. В гнезде выстилки не делает, откладывает яйца прямо на грунт. В кладке 4-6 белых яиц. Птенцы вылупляются голыми, слепыми и растут медленно.

Сизоворонка питается насекомыми, мелкими ящерицами, мелкими грызунами, лягушками. Перелетная птица, на зиму улетает в южные страны.

КЎКҚАРҒАСИМОНЛАР туркуми - Отряд РАКШЕОБРАЗНЫЕ - CORACIIFORMES
КУРКУНАКЛАР оиласи - Семейство ЩУРКОВЫЕ - MEROPIDAE



Merops apiaster - Тилла ранг куркунак - Золотистая щурка - Bee-eater



## ТИЛЛА РАНГ КУРКУНАК - MEROPS APIASTER

Тилла ранг куркунак - катталиги чуғурчуқдек келадиган қуш, унинг умумий узунлиги 27-29 см га етади. Очиқ ранг-баранг сариқ, яшил, кўк ва жигар ранг туслари билан фарқ қилади. Евросиёда ва Африкада кенг тарқалган. Ўзбекистонда текисликларда, тоғ этакларида ва тоғларда ҳамма жойда учрайди. Соз тупроқли жарларга уя қуриб, у ерда 2 м гача узунликда ин қазийди. Бевосита уяси 4-6 та тухум қўяди. Учувчи ҳашаротлар: арилар, асаларилар, қўнғизлар билан озиқланади. Учиб ўтувчи қуш. Қишлаш учун жанубий мамлакатларга учиб кетади.

Ўзбекистоннинг чўлларда куркунаклар оиласининг яна битта вакили - кўк куркунак учрайди.

## ЗОЛОТИСТАЯ ЩУРКА - MEROPS APIASTER

Золотистая щурка - птица размером со скворца, ее длина 27-29 см. Отличается разноцветной окраской желтого, коричневого, голубого и зеленого цветов. Самцы и самки окрашены одинаково, молодые отличаются от взрослых птиц менее яркой окраской. Широко распространена в Евразии и Африке. В Узбекистане встречается почти повсеместно в горах и на равнинах. Гнезда строит в глинистых обрывах, где выкапывает горизонтальную нору длиной до 2 м. Выводит 5-6 птенцов. Питается летающими насекомыми: осами, пчелами, жуками. Перелетная птица, на зимовку улетает в южные страны.

В пустынной части нашего района обитает еще один представитель семейства щурковых - зеленая щурка.

# САССИҚПОПИШАКСИМОНЛАР туркуми - Отряд УДОДООБРАЗНЫЕ - UPUPIFORMES
# САССИҚПОПИШАКЛАР оиласи - Семейство УДОДОВЫЕ - UPUPIDAE



**Upupa epops - Сассиқпопишак**
**Удод - Eurasian Hoopoe**

## САССИҚПОПИШАК - UPUPA EPOPS

Сассиқпопишак - нисбатан кичик қуш, танасининг узунлиги 25-29 см га, қанотларини ёзгандаги кенглиги 45 см га етади. У энг машҳур қушлардан бири. Ранги олачипор, оч қизил, оқ ва қора тусда. Тумшуғи узун ва пастга эгилган, бошида узун кокили бор. Урғочиларининг ва эркакларининг ранги бир хил. Сассиқпопишак Евросиёда ва Африкада кенг тарқалган. Ўзбекистонда деярли ҳамма жойда яшайди, фақат тоғлардаги юқори қисмида учрамайди. Баҳорда март-апрель ойида учиб келади, кузда август-октябрьда учиб кетади. Жарликларга, ёриқларга, дарахтлар ковакларга ва бинолар томининг остига уя қуради. Уяси оддий бўлиб, баъзан ўт тўшайди, кўпинча бевосита ерга тухум қўяди. 5-9 та жўжа очади. Болалари учишни билмаса, ҳали патлари тўла чиқмаган ҳолда уясидан чиқиб, унинг яқинида ўтириб олади ва ота-онасидан озиқа сўраб чийиллашади. Болаларини боқишда эркак ва урғочи баравар иштирок этади.

Турли ҳашаротлар, қурт, эшаккурт, ўргимчаклар ва майда калтаткесаклар билан озиқланади. Зараркунандалари кўплаб ейди ва шу билан қишлоқ хўжалигига фойда келтиради.

## УДОД - UPUPA EPOPS

Удод - небольшая птица длиной 25-29 см и размахом крыльев около 45 см. Имеет яркую окраску рыжих, черных и белых тонов, длинный изогнутый книзу клюв и хохолок на голове. Самцы и самки окрашены одинаково. Удод широко распространен в Евразии и Африке. В Узбекистане встречается почти повсюду, кроме высокогорий. Поселяется в норах на глинистых обрывах, в трещинах скал, в дуплах деревьев, под крышами домов и хозяйственных построек. Весной прилетает в марте-апреле, осенний отлет происходит в августе-октябре.

Гнездо устроено очень просто, часто яйца лежат прямо на грунте. В кладке 5-9 яиц. В возрасте 20-27 дней птенцы начинают летать. В период насиживания яиц и кормления птенцов у удодов вместе с пометом выделяется специальная жидкость с резким неприятным запахом, который отпугивает хищников от гнезда. Питается насекомыми, пауками, мокрицами, моллюсками. Иногда поедает мелких ящериц. Уничтожает много насекомых-вредителей и их личинок, принося этим большую пользу.

ЧУМЧУҚСИМОНЛАР туркуми - Отряд ВОРОБЬИНООБРАЗНЫЕ - PASSERIFORMES
ҚАЛДИРҒОЧЛАР оиласи - Семейство ЛАСТОЧКОВЫЕ - HIRUNDIDAE



Hirundo rustica - Қишлоқ қалдирғочи - Деревенская ласточка - Barn Swallow



## ҚИШЛОҚ ҚАЛДИРҒОЧИ - HIRUNDO RUSTICA

Қишлоқ қалдирғочи - аҳоли яшайдиган жойларда энг кўп учрайдиган ва энг таниқли қушлардан бири. Евросиёда ва Шимолий Америкада кенг тарқалган. Ўрта Осиёда қишлоқларда ва шаҳарларда деярли ҳамма жойга уя қуради. Уясини хас-чўпни лой билан ёпиштириб ясайди. Баҳорда март-апрель ойида учиб келади. Ўзбекистонда ёз давомида икки марта 3-6 та тухум қўяди. Болалари жуда тез ўсади, июнь ойи охирларида ҳамма жойда ёш қалдирғочларни учратиш мумкин. Улар ранги хира ва думи калта бўлиши билан вояга етган қалдирғочлардан фарқ қилади.

Қишлоқ қалдирғочи учиб юрувчи майда ҳашаротлар билан озиқланади. Сентябр-октябр ойида қишлаш учун Жанубий Осиёга ва Африкага учиб кетади. Уялаш давомида қишлоқ қалдирғочнинг асосий душмани майна ва уй мушуги ҳисобланади.

## ДЕРЕВЕНСКАЯ ЛАСТОЧКА - HIRUNDO RUSTICA

Деревенская ласточка широко распространена на гнездовании в Евразии и Северной Америке, кроме полярных районов. Эта птица тесно связана с поселениями человека. В Средней Азии гнездится почти во всех населенных пунктах. Перелетная птица. Зимует в Южной Азии и Африке. Весной прилетает в марте-апреле. Гнезда строит на карнизах и выступах, под потолком, под крышами домов и хозяйственных построек, склеивая его из глины, корешков и травинок. В Узбекистане деревенские ласточки выводят потомство дважды за лето, по 3-6 птенцов. Птенцы растут быстро, и в конце июня первый выводок покидает гнезда. Осенний отлет происходит в сентябре-октябре.

Питается насекомыми. Пьет и ловит насекомых на лету, по земле передвигается с трудом. Основные враги ласточки в период гнездования майны и домашние кошки.

**ЧУМЧУҚСИМОНЛАР туркуми - Отряд ВОРОБЬИНООБРАЗНЫЕ - PASSERIFORMES**
**ҚАРҚУНОҚЛАР оиласи - Семейство СОРОКОПУТОВЫЕ - LANIIDAE**



**Lanius minor - Қорапешанали қарқуноқ - Чернолобый сорокопут - Lesser Grey Shrike**

## МАЙНА - ACRIDOTHERES TRISTIS

Майнанинг ватани - Ҳиндистон, Покистон ва Афғонистон. Ўрта Осиёга майна Афғонистон орқали XX аср бошида учиб келган ва тезда кўпайиб кетган. Ўзбекистонда биринчи марта 1912 йил Термез шаҳрида қайд қилинган. 1949 йил Самарқандга, 1951 йил Жиззахга ва 1960 - Тошкентга келган. Бугунги кунга келиб майна Республикамизнинг деярли ҳамма жойда учрайди.

Майна воҳалар, тоғолдилар, тоғлар ва чўллар, ўзлаштирилган ерларда, аҳоли яшайдиган жойларда учрайди. Ўтроқ яшайди. Бу қушнинг ҳаёти инсон фаолияти билан чамбарчас боғлиқлиги унга озиқа топишга ёрдам беради. Ҳашаротлар, турли хил мевалар, резаворлар, ғалла ва хўжалик чиқиндилари билан озиқланади. Баъзан уй моли атрофида кўриш мумкин, чунки қон сўрувчи ҳашаротларни ҳам чўқиб ейди. Боғ ва узумзорларга катта зарар етказади. Шунингдек қишлоқ хўжалиги заракунандаларини еб фойда ҳам келтиради.

Турли хил жойларда - томлар тагида, тарнов ичида, бетон устунларнинг бўшлиқларида, дарахтлар ковакларида, жарликларда, қояларда, зағизғонларнинг ташландиқ инларида уялайди. Ин қуриш учун целлофан, конфет қоғозлари, қоғоз, латталар ишлатади. Майналар ўз инларини душманлари жуда фаол қўриқлайди. Кўпайтириш мавсуми мартдан сентябргача давом этади. Бу вақт ичида майна 2-3 марта ҳар гал 4-5 ҳаво рангли тухум қўяди. Кузги ва қишки даврда ёшлари ва катталари гала бўлиб йиғилади.

## МАЙНА - ACRIDOTHERES TRISTIS

Майна широко распространена в Индии, Пакистане, Афганистане. В Среднюю Азию майны проникли из Афганистана в начале XX века и стали быстро расселяться. В Узбекистане впервые была отмечена в 1912 г. в районе Термеза. В 1949 г. она достигла Самарканда, в 1951 г. Джизака и в 1960 Ташкента. В настоящее время майна встречается почти по всей территории нашей республики.

Майна обитает в оазисах, предгорьях, горах и пустынях. В большом количестве встречается в освоенных районах, в населенных пунктах или недалеко от жилья. Живет оседло. Эта птица в значительной степени связана с человеком, что облегчает ей добычу корма. Питается насекомыми, различными плодами и ягодами, зерном, отходами хозяйства. Часто держится около домашнего скота и склевывает кровососущих насекомых. Причиняет ощутимый вред садам и виноградникам. В то же время, приносит пользу, истребляя значительное количество насекомых-вредителей сельского хозяйства.

Гнездится в самых разнообразных местах - под крышами домов, в щелях глинобитных построек, в водосточных трубах, внутри поломанных уличных фонарей, в полостях бетонных столбов, дуплах деревьев, глинистых обрывах, трещинах скал, брошенных гнездах сорок. Для строительства гнезд охотно использует целлофан, конфетные обертки, бумагу, тряпки. Майны очень активно оберегают свои гнезда от врагов и конкурентов. Гнездовой период растянут с марта до конца сентября, за это время майна делает 2-3 кладки. В кладке обычно 4-5 яиц голубого цвета. В осенний и зимний период старые и молодые птицы собираются в стаи.

## INDIAN MYNA - ACRIDOTHERES TRISTIS

The Indian Myna is native in India, Pakistan, Afghanistan. To the Central Asia the Myna is passed from Afghanistan at the beginning of the XX century. In Uzbekistan it was first observed in 1912 near Termez. Presently the Myna meets almost on all territory of Uzbekistan. Myna inhabits in oases, foothills, mountains and deserts. It is a sedentary bird, closely related to the human settlements. Feeds on insects, different fruits and berries, corn, food wastes.

The Myna nests in the most various places - under the roofs of houses, in the cracks of pises, in water-shoots, into the broken streets lanterns, in the cavities of concrete posts, in hollows of trees, clay precipices, cracks of rocks, abandoned nests, etc. The Myna’s pair very active protect their nest from enemies and competitors. The breeding season is occurs from March to the end-September, for this period the Myna lays 2-3 time lays 4-5 blue eggs.

**ЧУМЧУҚСИМОНЛАР туркуми - Отряд ВОРОБЬИНООБРАЗНЫЕ - PASSERIFORMES**
**ЧУҒУРЧИҚЛАР оиласи - Семейство СКВОРЦОВЫЕ - STURNIDAE**



**Acridotheres tristis - Майна - Indian Myna**

**ЧУМЧУҚСИМОНЛАР туркуми - Отряд ВОРОБЬИНООБРАЗНЫЕ - PASSERIFORMES**
**ПАШШАХЎРЛАР оиласи - Семейство МУХОЛОВКОВЫЕ - MUSCICARPIDAE**



**Terpsiphone paradisi - Думпараст - Райская мухоловка - Asian Paradise Flycatcher**

## ДУМПАРАСТ - TERPSIPHONE PARADISI

Думпараст (ёки узун думли пашшахўр) Ўрта, Марказий ва Жанубий Осиёда тарқалган. Ўзбекистоннинг тоғлардаги баргли ўрмонларда яшайди. Бу қуш ранг-баранг бўлиб, кўзга ташланади. Оч қизил тусда, боши ва бўйни қора-зангори, қорни оқ. Қари эркак қушларнинг бошида узун кокили, думи баъзан танасининг узунлигидан икки баравардан ортиқ узун бўлади. Думининг узунлиги 20 см гача етади. Урғочисининг думи калта. У Ўзбекистоннинг энг чиройли қушлардан бири ҳисобланади.

Хатти-ҳаракати ҳам қизиқ. Вояга етган думпараст ниҳоятда серҳаракат бўлиб, ҳеч жим турмайди, чирилган ёқимсиз товуш чиқаради. Сойлар яқинида ёнғоқ ёки бошқа дарахтнинг ингичка шохчаларга уя қуради. Уяси косачасимон, саранжом, лекин жуда кичкина бўлади. Жўжалари ўсган сари унга сиғмай қолади. Июньда 3-4 та жўжа очади. Жўжалари жуда тез ўсади, 5-6 кунлик болалари учишни билмаса ҳам уясидан чиқади, яна 4-5 кундан кейин уча бошлайди. Уя қуришда, тухум босишда ва болаларини боқишда эркак ва урғочи баравар иштирок этади. Бошқа пашшахўрлар каби ҳашаротлар билан озиқланади. Қишлаш учун Жанубий Осиёга учиб кетади, бунда фақат тоғли жойлар орқали учиб ўтади, текисликларда бу қуш деярли учрамайди. Нурота тоғларига апрелнинг охирида учиб келади, сентябрь ойида учиб кетади.

## РАЙСКАЯ МУХОЛОВКА - TERPSIPHONE PARADISI

Райская мухоловка распространена в Средней, Центральной и Южной Азии. В Узбекистане населяет горные лиственные леса. Это одна из самых красивых и интересных птиц Узбекистана. Она имеет очень яркую, заметную окраску. Спина, крылья и хвост рыжие, брюхо белое, голова и шея иссиня черные. У старых самцов на голове длинный хохолок и очень длинный хвост, иногда вдвое длиннее самой птицы.

В поведении райской мухоловки много необычного. Взрослые птицы очень подвижны, непоседливы и крикливы, голос у них чирикающий и неприятный. Гнезда строит около горной речки, на самом конце тонкой веточки ореха или другого дерева. Гнездо в виде аккуратной чашечки, оно очень маленькое, и чуть подросшие птенцы в нем не умещаются и сидят рядом на ветке. В июне выводит 3-4 птенцов, которые растут очень быстро и в возрасте около 10 дней уже начинают летать. Строят гнездо, насиживают кладку и кормят птенцов оба родителя. Как и другие мухоловки, райская мухоловка питается насекомыми, которых ловит на лету. Перелетная птица, зимует в Южной Азии. На хребте Нуратау весной появляется во второй половине апреля, осенью улетает в сентябре.

## ASIAN PARADISE FLYCATCHER - TERPSIPHONE PARADISI

The Asian Paradise Flycatcher is a medium-size passerine bird. It is a migratory insectivorous species breeding in mountain forests in Central and South Asia, wintering in tropical Asia. There are resident populations further south. It is one of most beautiful and attractive birds of Uzbekistan. The adult male Asian Paradise-flycatcher is about 20 cm long, but the long tail streamers double this. It has a glossy black crown and crest, and a long narrow rounded tail. The body and wings are rufous, the belly is white. The Females lack the long tail feathers and the throat is greyish.

In Uzbekistan it inhabits in mountain leafy forests and don,t meets in plains. In the Nuratau mountains it appears in end-April. Makes the small cup-shaped nest on the thin twigs of walnut trees. Clutches of three or four eggs in June. The Asian Paradise-flycatcher is a restless and noisy bird with a sharp skreek call. It has short legs and sits very upright whilst perched prominently. It is insectivorous, hunting by flycatching in the understory.

ЧУМЧУҚСИМОНЛАР туркуми - Отряд ВОРОБЬИНООБРАЗНЫЕ - PASSERIFORMES
ПАШШАХЎРЛАР оиласи - Семейство МУХОЛОВКОВЫЕ - MUSCICARPIDAE



Muscicarpa striata - Кулранг пашшахўр - Серая мухоловка - Spotted Flycatcher

ЧУМЧУҚСИМОНЛАР туркуми - Отряд ВОРОБЬИНООБРАЗНЫЕ - PASSERIFORMES
ШАҚШАҚЛАР оиласи - Семейство ДРОЗДОВЫЕ - TURDIDAE



Turdus viscivorus - Бўз шақшақ - Дрозд-деряба - Mistle Thrush

**ЧУМЧУҚСИМОНЛАР туркуми - Отряд ВОРОБЬИНООБРАЗНЫЕ - PASSERIFORMES**
**ШАҚШАҚЛАР оиласи - Семейство ДРОЗДОВЫЕ - TURDIDAE**



**Turdus atrogularis - Қоратомок қораялоқ - Чернозобый дрозд - Black-throated Thrush**

**ЧУМЧУҚСИМОНЛАР туркуми - Отряд ВОРОБЬИНООБРАЗНЫЕ - PASSERIFORMES**
**ШАҚШАҚЛАР оиласи - Семейство ДРОЗДОВЫЕ - TURDIDAE**



**Turdus merula - Қорашақшақ - Черный дрозд - Blackbird**

## ҚОРАШАҚШАҚ - TURDUS MERULA

Қорашақшақ Ўрта Осиёда баргли тоғ ўрмонларида, шаҳар ва қишлоқларда яшайдиган ўтроқ қуш. Эркакларининг ранги тимқора, сариқ тумшуғи бўлади. Урғочилар ва ёш қушлар қўнғир тусда бўлади. Бизнинг ҳудудда ўтроқ яшайди.

Дарахт, бутазор ёки тўнкалар устида ин қуради. Ини лой билан ёпиштирилган қуруқ ўтлар, барглар, ингичка новдалардан иборат. Бизнинг ҳудудда уялашни жуда эрта, барглар чиқмасдан, март ойида бошлайди. 3-4 та тухум қўяди. Баҳор ва ёз давомида 2-3 марта тухум қўяди. Ёмғир чувалчанглари, ҳашаротлар, капалак қурти, шиллиқ қуртлар, турли хил мевалар ва резаворлар тут, дўлана, наъматак ва бошқалар билан озиқланади.

Қорашақшақдан ташқари бизнинг ҳудудда яна икки тури учрайди: ўтроқ яшайдиган бўз шақшақ ва қишловга учиб келадиган қоратомоқ қораялоқ. Қорашақшақнинг каттиқ овозда ёқимли сайраши туфайли инсонлар уни боғларда кўплаб яшашини истайдилар.

## ЧЕРНЫЙ ДРОЗД - TURDUS MERULA

Черный дрозд в Узбекистане обитает в горных лесах, часто селится в городах и поселках. В нашем регионе обычен, живет оседло. Самец имеет яркое черное оперение и желтый клюв. Самки и молодые птицы бурые. Черный дрозд одна из лучших певчих птиц нашего региона. Его мелодичное пение можно слышать уже в феврале-начале марта.

Гнезда вьет на деревьях, в кустарнике или на пнях. Гнездо сделано из сухой травы, листьев, мха и тонких прутиков, скрепленных глиной. В нашем районе к гнездованию приступает очень рано, в марте, еще до распускания листьев. В кладке 3-4 яйца. В течение весны и лета выводит птенцов 2-3 раза.

Кормится дождевыми червями, насекомыми, гусеницами, улитками, различными плодами и ягодами тутовником, ежевикой, боярышником, шиповником и др.

Кроме черного дрозда, в нашем регионе многочисленны еще два вида дроздов: оседлый деряба и прилетающий на зимовку темнозобый дрозд.

## BLACKBIRD - TURDUS MERULA

The Common is a species of thrush which breeds in Europe, Asia, and North Africa, and has been introduced to Australia and New Zealand. It has a number of subspecies across its large range. Depending on latitude, the Common Blackbird may be resident, partially migratory or fully migratory.

The Common Blackbird is 23.5 to 29 centimetres in length, has a long tail, and weighs 80125 grammes. The male has a glossy black plumage, a yellow eye-ring and bill and has a melodious song; the adult female and juvenile have mainly brownish-black plumage and a dark bill.

This species breeds in woods and gardens, building a neat, mud-lined, cup-shaped nest. In the Nuratau mountains the breeding season begins in early-March. The Blackbird is omnivorous, eating a wide range of insects, earthworms, berries, and fruits.

Both sexes are territorial on the breeding grounds. The male Blackbird defends its breeding territory, chasing away other males. The female Blackbird is also aggressive in the spring when it competes with other females for a good nesting territory, and although fights are less frequent, they tend to be more violent. As long as winter food is available, both the male and female will remain in the territory throughout the year. Migrants are gregarious, travelling in small flocks and feeding in loose groups in the wintering grounds.

# ЧУМЧУҚСИМОНЛАР туркуми - Отряд ВОРОБЬИНООБРАЗНЫЕ - PASSERIFORMES
# ШАҚШАҚЛАР оиласи - Семейство ДРОЗДОВЫЕ - TURDIDAE



## ЖАНУБ БУЛБУЛИ - LUSCINIA MEGARHYNCHOS

Жануб булбули Ғарбий Европа ва Осиёнинг жанубий қисмида тарқалган. Шақшақлар оиласига мансуб учиб ўтадиган майда қуш. Танасининг узунлиги 15-16,5 см га етади. Бу қушнинг ранги ер тусида бўлади, танасининг устки томони қизғиш, остки томони кулранг.

Нурота тоғларига апрелнинг иккинчи ярмида учиб келади, август-сентябрь бошларида учиб кетади. Марказий Африка ва Арабистоннинг жанубида қишлайди. Тоғли ва текисликларнинг қайирли ўрмонларида яшайди. Инини бутазорларда, тупроқ сатҳида ёки ердан баландроқда қуради. 4-5та тухумдан қўяди. Ҳашаротлар билан озиқланади. Куйчи қушлардан энг хушовозли.

## ЮЖНЫЙ СОЛОВЕЙ - LUSCINIA MEGARHYNCHOS

Южный соловей населяет Западную Европу и южную часть Азии. Это мелкая перелетная птица из семейства Дроздовых, длиной около 15-16,5 см. Прилетает в район хребта Нуратау во второй половине апреля, отлетает в конце августа начале сентября. Зимует в Центральной Африке и на юге Аравии. Населяет горные и равнинные пойменные леса. Гнездо строит в кустарнике, на уровне почвы или невысоко над землей. Выводит 4-5 птенцов. Питается насекомыми. Одна из лучших певчих птиц.

## NIGHTINGALE - LUSCINIA MEGARHYNCHOS

The Nightingale is a small passerine bird, at 15-16.5 cm length. It is a migratory insectivorous species breeding in forest and scrub in Europe and south-west Asia. The distribution is more southerly than the very closely related Thrush Nightingale. In Uzbekistan it inhabits the mountain and riparian forests. It nests on the ground within or next to dense bushes. It is plain brown above except for the reddish tail. It is buff to white below. Sexes are similar. Nightingales are named so because they frequently sing at night as well as during the day. Clutches of four or five eggs.

ЧУМЧУҚСИМОНЛАР туркуми - Отряд ВОРОБЬИНООБРАЗНЫЕ - PASSERIFORMES
ВЬЮРОКЛАР оиласи - Семейство ВЬЮРКОВЫЕ - FRINGILLIDAE



Carduelis caniceps - Бўзбош саъва - Седоголовый щегол - Gray-headed Goldfinch

ЧУМЧУҚСИМОНЛАР туркуми - Отряд ВОРОБЬИНООБРАЗНЫЕ - PASSERIFORMES
ДЕҲҚОНЧУМЧУҚЛАР оиласи - Семейство ОВСЯНКОВЫЕ - EMBERIZIDAE



Emberiza bruniceps - Сариқ деҳқончумчуқ - Желчная овсянка - Red-headed Bunting